

Ўзбек аёлининг ақлу закоси – илм, таълим ва инновация сари!

// 13.10.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzbek-ayolining-aqlu-zakosi-ilm-talim-va-innovaciya-sari>

Тошкент кимё-технология институтида Халқаро қизлар куни муносабати билан “Таълим, илм ва инновацияга бағишланган – Ўзбек аёлининг ақлу закоси” номли тантанали тадбир бўлиб ўтди.





Унда институт раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари, "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.





Мазкур тадбирнинг мақсади аёллар ва қизларнинг таълим, фан, инновация соҳаларидаги ўрни ва ҳиссасини эътироф этиш, ёш авлод қизларини илм ва маърифат сари илҳомлантириш, уларнинг етакчилик салоҳиятини қўллаб-қувватлашдан иборат. Тадбир аввалида ташриф буюрган меҳмонлар институт олималари томонидан тайёрланган илмий ишланмалар ҳамда инновацион лойиҳалар билан яқиндан танишдилар.





Шундан сўнг мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ва маънавий фаоллигини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишловларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтилди. Яқунда илм-фан ва инновация йўналишида фаол иштирок этаётган энг фаол олималар ҳамда иқтидорли талаба қизлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.